2

Тошкент оқшоми

2015 ЙИЛ 4 МАРТ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 54 (12.867)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

СИФАТ ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИК — МУВАФФАҚИЯТ АСОСИ

Қибрайлик ёш тадбиркор Бобуржон Зокиров бошқараётган «Goldenote» масъулияти чекланган жамиятида йигирма турдаги ўқув-услубий анжомлар — ҳар хил ўлчамдаги глобуслар, геометрик фигуралар, чизғичлар, осма хариталар ишлаб чиқарилмоқда.

— Маҳсулотларимиз орасида илмий асосланган ўқув глобусларига, айниқса, қизиқиш катта, — дейди Б.Зокиров. – Аждодларимиз орзусининг ижобати бўлган бундай маҳсулотларни ишлаб чиқариш қувонарлидир. Президентимиз Ислом Каримов 2014 йил май ойида Самарқандда бўлиб ўтган халқаро конференциядаги маърузасида Аҳмад Фарғоний IX асрда яратган «Астрономия асослари» фундаментал асарида оламнинг тузилиши, Ернинг ўлчови ҳақидаги дастлабки маълумотлар, сайёрамизнинг шарсимон кўринишга эга экани хусусидаги далиллар мавжуд бўлиб, мазкур китоб Буюк географик кашфиётлар даврида Колумб, Магеллан ва бошқа саёҳатчиларнинг кашфиётлари учун илмий асос бўлиб хизмат қилганини алоҳида таъкидлади. Бу фикрлар бизнинг кўнглимизни янада ўстирди.

Корхона ойига беш юздан икки минггача диаметри 15, 25, 44 сантиметрли глобусларни буюртма асосида жойларга етказиб бермоқда. Улар ўзбек, рус, инглиз тилларида бўлиб, сиёсий-маъмурий, табиий-географик турларга бўлинади. Ўзбек тилида лотин алифбоси асосида ишлаб чиқарилаётган глобуслар импорт ўрнини босиб, ички бозорни тўлдирмоқда.

Бу ерда йигирмата иш ўрни яратилган бўлиб, илмий жамоа айни кунда такомиллаштирилган янги моделлар яратиш устида изланмоқда. Энг асосийси, маҳсулотларнинг бир қисмини экспортга йўналтириш режалаштирилган.

Мамлакатимизда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасидаги эътибор туфайли авваллари валюта ҳисобига хориждан келтирилган бундай маҳсулотларнинг аксарияти эндиликда юртимизда тайёрланмоқда. Натижада нархларни мақбуллаштириш ҳамда сарф-харажатларни камайтиришга эришилмоқда. Юқори сифат ва рақобатбардошлик тадбиркорларимиз фаолиятида муваффақият асоси бўлмоқда.

— Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ёш авлод ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга алоҳида эътибор берилиб, имтиёзлар яратилмоқда, — дейди ЎзА мухбирига тадбиркор. — Бундай ғамхўрликка жавобан биз, ёшлар бор куч ва салоҳиятимизни ишга солиб, эл-юртимиз равнақи йўлида самарали меҳнат қилишимиз зарур. Келгусида аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишга кўпроқ ҳисса қўшиш мақсадида фаолиятимизни янада кенгайтириш, янги-янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни мўлжалламоқдамиз.

Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети талабаси бўлган Бобуржон Зокиров «Картография» илмий-ишлаб чиқариш давлат корхонаси билан ҳамкорлик қилмоқда. Зеро, глобус ишлаб чиқаришнинг ўзига хос мураккабликлари борлиги ҳеч кимга сир эмас.

Ёш тадбиркор анъанавий ўтказиб келинаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун «Ташаббус» кўрик-танловининг 2014 йилги Тошкент вилояти босқичида «Энг яхши оилавий бизнес», мамлакат босқичида «Ёш фахрий қатнашчи» махсус номинацияси ғолиби бўлган. «Ёш тадбиркор — юртга мададкор», «Ватаним тараққиётига менинг ҳиссам» каби кўрик-танловларда ҳам муносиб иштирок этиб, имтиёзли сармоя олиш ҳуқуқини қўлга киритган.

Сайёра ШОЕВА
Ёлқин Шамсиддинов олган сурат

ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТ ҚУДРАТЛИ БЎЛУР

4 март – «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилган кун

Фарзанд – оила қувончи, ҳаётимиз мазмуни. Унинг саломатлиги кўнгил хотиржамлиги, ҳаловатидир. Азалдан халқимиз боланинг дунёга келиши, унинг парвариши ва таълим-тарбиясига юксак эътибор қаратган. Ўзаро меҳр-оқибат туйғуларини шакллантириш, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат кўрсатиш, эл ишига камарбаста, ватанпарвар, жисмонан чиниққан ва маънан етук авлодни камол топтириш умрбоқий қадриятларимизнинг асосини ташкил этади.



Давлатимиз раҳбарининг 1993 йил 4 март куни қабул қилинган Фармонига мувофиқ таъсис этилган мустақил Ўзбекистоннинг илк ордени «Соғлом авлод учун» деб номланишида ҳам ана шу эзгу мақсад мужассам.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида миллат генофондини сақлаш ва яхшилаш, аҳолининг умр кўриш давомийлигини ва турмуш даражасини ошириш, соғлом зурриёдни дунёга келтириш ва тарбиялаш учун шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугун шаҳару қишлоқларимизда фаолият юритаётган замонавий мактаблар, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, болалар ижодиёти марказлари, спорт саройлари, тиббий муассасалар соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маънавияти юксак, ижодий-интеллектуал салоҳиятли авлодни тарбиялашда жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни беқиёс. Мамлакатимизда болаларнинг спорт билан шуғулланиши учун барча зарур шароитлар яратилган ва бу иш изчил давом этмоқда.

Ўзбекистонда навқирон авлод саломатлиги, камолоти ва истиқболи, оила, оналик ва болалик манфаатларини кучли ижтимоий ҳимоялаш борасидаги тизимли ва пухта ўйланган амалий чора-тадбирлар халқаро миқёсда ҳам эътироф этилмоқда. Халқаро мусобақалар, йирик чемпионатлар, санъат ва маданият фестивалари, ижодий танлов ва беллашувлар, интеллектуал олимпиадаларда навқирон юртдошларимиз фаол қатнашиб, Ватанимиз шарафини жаҳон миқёсида муносиб ҳимоя қилаётгани мамлакатимизда ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол шахсни вояга етказиш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг ёрқин натижасидир.

«Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирлаш – бу жараёнга улкан ҳисса қўшаётган меҳрибон меҳрибонларимиз меҳнатининг юксак эътирофидир.

Икки даражадан иборат мазкур орден билан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, атроф-муҳитни яхшилаш, соғлом авлодни камол топтириш йўлида фидокорона хизмат қилаётган инсонлар мукофотланади. Мазкур орден билан бошқа давлатлар фуқаролари ҳам мукофотланиши мумкин.

Орденнинг тасвирида ўзига хос рамзий маъно-мазмун мужассам. Унинг ўнг қисмидаги қуёш нурлари фонида фарзандини опичлаб турган Она сиймоси акс эттирилган. Ватан тимсоли бўлган мунис волида меҳр ва хотиржамлик билан фарзандига термулиб ўтирибди, эзгу орзу-интилишлар рўёби бўлмиш беғубор гўдак эса қувонч ва иштиёқ билан нурга — эзгуликка талпинмоқда.

Орден бириктирилган дастанинг ички қисми яшил рангдаги товланувчи лента билан ўралган. Лентанинг ўртасида гуллаб турган ўрик новдаси тасвири туширилган. Гуллаётган ўрик новдаси — кўклам, табиатдаги, онгу тафаккуримиздаги уйғониш тимсоли. Бу тасвир яшариш ва янгиланиш рамзи бўлган яшил ранг фонида янада гўзал жило ва теран мазмун ифода этади.

Соғлиқни сақлаш, таълим, спорт соҳаларида самарали меҳнат қилиб, соғлом авлодни вояга етказишга муносиб ҳисса қўшаётган кўплаб ватандошларимиз «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирланган.

«Соғлом авлод учун» ордени буюк келажагимиз ворисларини тарбиялашда юртдошларимизга куч-ғайрат бағишлайверади. Зеро, фарзандларини тинч ва осойишта юртда безавол, таниси-ҳатликда камолга етказиш, уларни эл корига ярайдиган инсонлар этиб тарбиялаш, бахту камолини кўриш ҳар бир юртдошимизнинг эзгу орзусидир.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎзА шарҳловчиси

ВАТАН ҲИМОЯСИ — МУҚАДДАС БУРЧ

Тошкент темир йўл вокзалида мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган аскарларни кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Президентимизнинг 2014 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ ташкил этилган тадбирда аскарларни Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар кутиб олди.

Тадбирда мустақиллик йилларида мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар самарасида муддатли ҳарбий хизматни ўташ тизими тубдан такомиллаштирилгани таъкидланди. Муддатли ҳарбий хизматга чақирилганлар ўз фуқаролик бурчини бажариш билан бирга, интеллектуал ва маънавий салоҳиятини ошириб, руҳан ва жисмонан чиниқмоқда.

Йигитлик бурчини ўтаб қайтганлар орасида пойтахтимизнинг Учтепа туманидан Фарҳод Амиров ҳам бор. У Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинларининг ҳарбий қисмларидан бирида хизмат қилди.

— Ватан ҳимояси энг шарафли бурч эканини муддатли ҳарбий хизмат давомида янада теран ҳис этдим, — дейди ЎзА мухбирига Фарҳод. — Зарур билим ва тажрибага эга бўлдим, чиниқдим. Энди ҳаётимни армия билан боғлаб, офицер бўлиш учун Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус факультетига ҳужжат топширмоқчиман.

Р.БОНДАРЧУК

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Қашқадарёда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий билимини янада юксалтириш ва улар ишини самарали ташкил этиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● Наманган вилояти Чортоқ туманида боғдорчиликнинг баҳорги долзарб вазифаларига бағишланган назарий-амалий семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, вилоят ҳокимлиги, вилоят ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда вилоят, туман фермерлар кенгашлари, боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари раҳбарлари, соҳа мутахассислари ва талаба-ёшлар иштирок этди.

● Жиззахда Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган «Баҳор тароналари» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси томонидан миллий қадриятларимизни намойиш этиш, Наврўзга бағишланган халқ қўшиқлари, лапар ва ўланлар, замонавий ашулаларнинг моҳир ижрочиларини аниқлаш мақсадида ўтказилган танловда 200 дан ортиқ санъат ихлосмандлари иштирок этди.

● Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтининг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти томонидан амалга оширилган ишлар таҳлилига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда ёшларнинг замонавий таълим-тарбия олиши, касб-ҳунар эгаллаши, спорт билан шуғулланиши, истеъдод ва салоҳиятини намоён этиши учун барча шароитлар яратилаётгани таъкидланди.

● Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Навоий вилояти филиали жарроҳлик бўлимига энг замонавий тиббий ускуна – лапароскоп ўрнатилди.

● Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида илк бор ўтказилаётган «Куйла, ёшлигим!» республика кўрик-танловининг Бухоро вилояти босқичи якунланди.

ЖАҲОНДА

● Кеча Непалдаги аэропортдан парвозга кўтарилган Turkish Airlines авиакомпаниясига қарашли самолёт атроф қуюқ туман билан қопланган учун учиш йўлагидан ташқарига чиқиб кетган. Дастлабки маълумотларга кўра, ушбу ҳодиса натижасида жабрланганлар ва ҳалок бўлганлар йўқ.

● Колумбия маъмурлари Кариб денгизининг ушбу мамлакат қирғоғида жойлашган Картахен портида Хитой байроғи остида ҳаракатланаётган ва Кубага ҳеч қандай тегишли ҳужжатларсиз портловчи моддалар ва қурол-яроғлар олиб кетаётган кемани тўхтатиб қолишди.

● Бундан ўн йил олдин қўлга олинган ва гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланганлиги учун Индонезияда ўлим жазосига ҳукм қилинган Австралиянинг икки нафар фуқаросининг шу ҳафтанинг охиригача қатл этилиши маълум қилинди.

29 март — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИ ВА ДАСТУРИ



ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВ

ТАРЖИМАИ ҲОЛ

Ислом Абдуғаниевич Каримов 1938 йил 30 январда Самарқанд шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Миллати — ўзбек. Олий маълумотли, Ўрта Осиё политехника ва Тошкент халқ хўжалиги институтларини тугатган. Муҳандис-механик ва иқтисодчи мутахассисликларига эга. Иқтисод фанлари номзоди.

Меҳнат фаолиятини 1960 йилда Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводида бошлаган. 1961 йилдан 1966 йилгача В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида муҳандис, етакчи муҳандис-конструктор бўлиб ишлади.

1966 йилда Ўзбекистон ССР Давлат план комитетига ишга ўтиб, бош мутахассисликдан Республика Давлат план комитети раисининг биринчи ўринбосаригача бўлган йўлни босиб ўтди.

1983 йилда Ислом Каримов Ўзбекистон ССР Молия министри, 1986 йилда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Республика Давлат план комитетининг раиси этиб тайинланди.

1986 — 1989 йиллар мобайнида Қашқадарё вилояти партия комитетининг биринчи котиби, 1989 йилнинг июнидан бошлаб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби лавозимларида ишлади.

1990 йил 24 март куни Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг сессиясида Ислом Каримов Ўзбекистон ССР Президенти этиб сайланди.

1991 йил 31 август куни Ислом Каримов тарихий воқеа — Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилди.

1991 йил 29 декабрда муқобиллик асосида ўтказилган умумхалқ сайловида Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

1995 йил 26 мартда бўлиб ўтган умумхалқ референдуми якунларига кўра Ислом Каримовнинг Президентлик ваколати 2000 йилга қадар узайтирилди.

2000 йили муқобиллик асосида ўтган сайлов натижаларига кўра, Конституцияга киритилган ўзгартишларга мувофиқ, Ислом Каримов 7 йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

2007 йили муқобиллик асосида ўтказилган умумхалқ сайловида Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

У оилали, икки фарзанди, беш нафар набираси бор. Рафиқаси Т. А. Каримова — мутахассислиги бўйича иқтисодчи, иқтисод фанлари номзоди, Ўзбекистон Фанлар академияси Иқтисодиёт институтида катта илмий ходим бўлиб ишлаган, айни пайтда — пенсияда.

Ислом Каримов суверен ва мустақил Ўзбекистонни барпо этиш, халқпарвар демократик ҳуқуқий давлат яратиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш ишига қўшган улкан ҳиссаси ҳамда бу борада матонат ва жасорат кўрсатганлиги учун «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони, «Мустақиллик» ва Амир Темур орденлари билан тақдирланган. Шунингдек, у бир қанча хорижий давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотларнинг фахрий унвон, орден ва медаллари билан ҳам мукофотланган.

Ислом Каримов Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси. Айни вақтда у иқтисодиёт, илм-фан, таълим-тарбия соҳаларини ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун кўплаб хорижий мамлакатлар университет ва академияларининг фахрий фан доктори ҳамда академиги этиб сайланган.

ДАСТУР

Бугунги кунда ҳаётнинг ўзи биз танлаб олган, мамлакатимиз ва жамиятимизни янгилаш ва модернизация қилишнинг «ўзбек модели» деб дунёда тан олинган мустақил, тадрижий тараққиёт йўлимизнинг нақадар тўғри ва самарали эканини ҳар томонлама исботлаб бермоқда.

Ўзбекистон тарихан қисқа муддатда иқтисодиёти бирёқлама ривожланган, асосан пахта хомашёси етказиб беришга мослашган, пахта яккаҳокимлиги ҳалокатли тус олиб, жар ёқасига келиб қолган, собиқ СССРда аҳолининг ҳаёт даражаси бўйича энг охирги ўринда турган қашшоқ ўлкадан ҳозирги вақтда, аввало, замонавий тармоқлар ҳисобидан тез ва барқарор суръатлар билан ривожланаётган, халқаро майдонда ўзига муносиб ўрин эгаллаётган мамлакатга айланиб бормоқда.

Бугунги кунда ўзлигини англаб, ўз юрти, ўз тақдирининг ҳақиқий эгаси бўлиб, эркин ва озод ҳаёт кечириш қандай бахт, қандай катта бойлик эканини чуқур тушуниб олган, мард ва олижаноб халқимизнинг фидокорона меҳнати билан амалга ошираётган оламшумул ишларимиз, мамлакатимиз, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тубдан ўзгариб, ҳаётимиз тобора фаровон бўлиб бораётгани барча соҳаларда яққол намоён бўлмоқда.

Энг муҳими, ўзини оқламаган эски тизимнинг қолип ва ақидаларидан холи бўлган, мустақил фикрлайдиган, ривожланган мамлакатлардаги тенгдошлари билан беллашувга тайёр, Ватанимизнинг эртанги куни учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган куч — ёшларимиз майдонга чиқаётганида бу ҳақиқатни англамоқдамиз.

Биз дуч келган оғир синов ва муаммоларга, жаҳон миқёсида глобал иқтисодий инқироз давом этаётганига қарамасдан, дунёнинг саноқли давлатлари қаторида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръатлари сўнгги 10 йил давомида 8 фоиздан зиёд бўлиб келмоқда.

Мустақил тараққиёт йилларида мамлакатимиз иқтисодиёти 5 каррадан зиёд, аҳоли даромадлари жон бошига ўртача 8,7 баробар ўсгани, юртимиз аҳолиси шу даврда 1,5 марта кўпайиб, 2015 йилнинг бошида 31 миллион 500 минг кишини ташкил этганини инобатга оладиган бўлсак, очиғини айтганда, бундай ютуқларни баъзан тасаввур қилишнинг ўзи қийин.

Мамлакатимизнинг ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 15 фоиздан ошмаётгани, ички қарзимиз, яъни аҳолимиз олдида қарзимиз умуман йўқлиги, экспорт ҳажми, олтин-валюта захираларимиз барқарор суръатлар билан кўпайиб бораётгани барчамизни албатта қувонтиради.

Шу билан бирга, биз бугун шиддат билан ўзгариб бораётган дунёда, тобора авж олаётган глобаллашув жараёнлари, Интернет ва интеллектуал тараққиёт ҳал қилувчи роль ўйнаётган бир даврда эришган натижаларимизга маҳлиё бўлмасдан, шу пайтга қадар босиб ўтган йўлимиз — бу олдимизда турган мураккаб ва оғир йўлнинг фақат бир қисми эканини ўзимизга аниқ тасаввур этамиз.

Бугунги кунда бизни ўраб турган дунё қанчалик тез ўзгариб бораётгани, яқин ва узоқ атрофимизда турли можаро ва қон тўкишлар давом этаётгани, терроризм, экстремизм ва наркотрафик хавфи ортиб, молиявий-иқтисодий инқироз ва унинг оқибатлари янада чуқурлашиб бораётгани ҳақида ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Албатта, буларнинг барчаси бизнинг ҳар биримизни ташвишга солмасдан қўймайди ва биздан жаҳонда юзага келаётган вазиятни сергаклик билан баҳолашни талаб қилади.

Бу ўринда гап, биринчи навбатда, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилишни давом эттириш ва чуқурлаштиришга қаратилган эътибор ва саъй-ҳаракатларимизни асло камайтирмаслик ҳақида бормоқда.

Айни шу вазият ва ҳолатларни инобатга олиб, олдимизда турган энг долзарб ва устувор вазифалар ҳақида гапирганда: **аввало, биз учун 2015 йилда ва ундан кейинги даврда энг устувор вазифа — бу таркибий ўзгаришлар сиёсатини олиб бориш, саноатни диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизация қилиш, ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини оширишни таъминлашдан иборатдир.**

Бу мақсадга эришишда ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш, иқтисодиётимизнинг реал секторида эскирган асбоб-ускуналар ва технологик қолоқликка барҳам бериш каби принципиал масалаларни ҳал қилиш, шунингдек, ислоҳотларни амалга ошириш, аввало, мулкдорлик масаласида чала-ярим ишларга йўл қўймаслик, иқтисодиётни бошқаришда маъмурий-буйруқбозлик усуллари қолдиқларини бутунлай бартараф этиш фаолиятимизда ҳал қилувчи ўрин эгаллайди.

Иккинчидан. Мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ўсиши ва истиқболи, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини белгилаб беришга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган энг муҳим устувор вазифа — бу хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик ривожи йўлидаги барча ғов ва тўсиқларни олиб ташлаш ва бу соҳага тўлиқ эркинлик беришдан иборат.

Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 56 фоизи шу соҳага тўғри келмоқда, иш билан банд аҳолининг 75 фоизи мазкур тармоқда меҳнат қилмоқда.

Яқин истиқболда хусусий тадбиркорлар учун ресурсларни очиқ биржа ва ярмарка савдолари орқали сотиш ҳажмини кенгайтириш ҳисобидан хомашё ресурсларидан фойдаланиш механизмини тубдан қайта кўриб чиқиш, уни янада соддалаштириш, очиқ-ошкора бўлишига алоҳида эътибор қаратилади.

Хусусий мулкдорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда суд органлари ролини ошириш, давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг тадбиркорлик субъектларининг хўжалик ва молиявий фаолиятларига ноқонуний аралашуви учун жавобгарлигини кучайтириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама рағбатлантириш бўйича амалга оширилган кенг кўламли ишларнинг давоми сифатида бу борада солиқ юкини камайтириш, қўшимча шароит ва кафолатлар яратишга янада катта аҳамият берилади.

Учинчидан. Бугунги кунда иқтисодиётда ҳам, фаолиятимизнинг бошқа соҳаларида ҳам давлатнинг иштирокини танқидий қайта кўриб чиқиш талаб этилмоқда.

Давлатнинг иштироки, аввалambор, электр энергетикаси, транспорт ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси сингари давлат иштирокидаги корхоналар иқтисодиётнинг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаётган, табиий монополияларга асосланган соҳаларда сақлаб қолиниши керак. Бошқача айтганда, **давлатнинг иқтисодиётимиздаги улуши иқтисодий ва стратегик асосланган даражага қадар қисқартирилиши ва бу ҳақиқий рақобат муҳитини таъминлаши, маъмурий-буйруқбозлик тизими иллатларидан халос бўлишга олиб келиши лозим.**

Шу муносабат билан хўжалик фаолиятида давлат улушини тубдан қисқартириш бўйича махсус дастур қабул қилиниб, унда самарасиз давлат корхоналарини тугатиш, жумладан, очиқ ва ошкора савдолар орқали тегишли инвестиция мажбуриятлари билан «ноль» қийматида сотиш орқали тўлиқ хусусий мулк шаклига ўтказиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Юртимизда фаолият кўрсатаётган акциядорлик компанияларининг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий сармоядорлар қаторида хорижий акциядорлар ҳам акция эгалари бўладиган вақт келди. Акциядорлик жамиятларини айни шундай асосда ташкил этиш бизнинг манфаатларимизга кўпроқ мос келади.

Тўртинчидан. Экологик муаммолар чуқурлашиб бораётган, сув ва ер ресурслари чекланган бизнинг шароитимизда ирригация ва мелиорация ишларини давом эттириш, ерларнинг унумдорлигини янада ошириш, экин майдонлари таркибини оптималлаштириш, энг янги агротехнологияларни жорий этиш — айнан шу йўналишлар қишлоқ хўжалигини ислоҳ этишнинг ҳал қилувчи масалалари бўлиб, улар доимо эътиборимиз марказида бўлади.

Ана шундай долзарб вазифаларнинг барчасини комплекс ҳал этиш учун қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг келгуси 5 йилга мўлжалланган дастурини ишлаб чиқишга киришдик. Бу дастур аграр тармоқдаги таркибий ўзгаришларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ва шунингдек, мамлакатимизнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлашни кўзда тутади.

Шу борада олдимизда миқёси ва кўламига кўра қандай улкан ишлар тургани ва бунинг учун қандай катта маблағлар талаб этилишини биз ўзимизга яхши тасаввур қиламиз. **Бу масалада ҳаётнинг ўзи бир ҳақиқатни тасдиқлаб, исботлаб бермоқдаки, қишлоқ хўжалиги ҳисобидан маблағларни тежаш мутлақо ярамайди ва биз ҳеч қачон бунга йўл қўймаймиз.**

Бешинчидан. Қишлоқ хўжалиги, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бутун мамлакатимиз тараққиётига улкан ҳисса қўшаётган фермерлик ҳаракати янги тарихимизда ўчмас из қолдирмоқда.

Замонавий фермер хўжаликларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан бирга, уларни чуқур қайта ишлаш, қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш, қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган, кенг кўламли вазифаларни бажарадиган кўптармоқли хўжаликларга айлантириш йўлини давом эттирамиз.

Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 90-92 фоизини ишлаб чиқараётган фермер хўжаликлари мамлакатимиз аҳолисининг қарийб ярми истиқомат қилаётган қишлоқларимизнинг бугунги ва эртанги фаровонлигини янада оширишни ўз назоратига олиши зарур, деб ўйлайман.

Халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини ошириш, жумладан, энг муҳим ижтимоий дастурларни амалга ошириш борасида давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ишлар ва уларни кучайтириш бўйича олдимизда турган кенг кўламли вазифалар ҳақида барчамиз яхши хабардормиз.

Фақат 2015 йилнинг ўзида 353 та умумтаълим мактабини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, шунингдек, 147 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицейда қарийб 400 миллиард сўм ҳажмидаги капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда. 2020 йилгача эса 500 та умумтаълим мактабини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, жумладан, 101 та янги мактаб барпо этиш ва 810 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицейларни капитал таъмирлаш режалаштирилмоқда.

Тиббиёт соҳасида 2015 йилда 98 миллион доллар ҳажмидаги маблағ ҳисобидан 83 та тиббиёт муассасасини, 2020 йилгача эса — 180 миллион доллардан зиёд маблағ эвазига 230 та тиббиёт муассасасини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш назарда тутилмоқда.

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида 2015 — 2016 йилларда 2 миллиард 100 миллион доллар миқдоридаги 25 мингта уй-жой бунёд этиш мўлжалланмоқда. Бунинг учун Осиё тараққиёт банки ҳамда Ислом тараққиёт банкининг маблағлари жалб қилиниши белгиланмоқда.

Қишлоқ инфратузилмасини янада ривожлантириш мақсадида фақат табиий газ ва электр тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш учун 2020 йилгача 530 миллион доллар, телекоммуникация тармоқларини кенгайтириш учун эса — 136 миллион доллар миқдоридаги маблағ йўналтириш масаласи кўриб чиқилмоқда.

Олтинчидан. Маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш дастурини амалга ошириш — энг устувор вазифадир.

Юртимизда биз учун бутунлай янги бўлган автомобиль саноатининг ташкил этилгани импорт ўрнини босиш бўйича олиб борилган оқилона сиёсатнинг ёрқин далили ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистонда 27 русумдаги юк ва енгил автомобиллар, автобуслар, минивэнлар ҳамда 15 турдаги замонавий қишлоқ хўжалик техникалари ишлаб чиқарилмоқда.

Буларнинг барчаси ҳар йили 4 миллиард доллардан зиёд ҳажмдаги импорт товарлар ўрнини босиш имконини бермоқда.

Ана шу стратегияни янада ривожлантириш мақсадида 2015 — 2019 йилларга мўлжалланган янги Маҳаллийлаштириш дастури ишлаб чиқилди. Мазкур дастурда умумий қиймати 5 миллиард доллардан зиёд 600 дан ортиқ лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган.

Еттинчидан. Бугунги кунда тараққиёт, туб таркибий ўзгаришлар, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатдошлигини таъминлашнинг муҳим шарти инвестиция жараёнлари билан боғлиқ экани ҳаммамизга яхши аён.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон тараққиёти учун йўналтирилган инвестициялар ҳажми 190 миллиард доллардан ошди ва бу маблағнинг 65 миллиард долларлан зиёдини хорижий инвестициялар ташкил этди.

Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш доирасида кенг кўламли замонавий, юқори технологияларга асосланган лойиҳалар амалга оширилди. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Шўртан газ-кимё мажмуаси, Кўнғирот сода заводи, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи, ўнлаб замонавий тўқимачилик комплекслари, мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлайдиган ва озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлайдиган юзлаб корхоналар, энг илғор буғ-газ ва газ турбинали технологияларни жорий этган ҳолда ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ана шундай йирик лойиҳалар қаторига киради.

Бугунги кунда Сурғил кони базасида Жанубий Кореянинг етакчи компаниялари билан ҳамкорликда барпо этилаётган, умумий қиймати 4 миллиард 200 миллион долларга тенг бўлган Устюрт газ-кимё мажмуаси хорижий шериклар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ёрқин намунасидир.

Сўнгги йилларда қарийб 2 минг километр автомобиль йўллари, хусусан, Ўзбекистон миллий автомагистрали таркибига кирадиган 1,5 минг километрлик йўл тармоқлари қурилди ва реконструкция қилинди.

Темир йўл соҳасида 342 километрлик янги Навоий — Учқудуқ — Нукус — Султон Увайсғор ва 223 километрлик Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон тармоқлари барпо этилди, 550 километрдан зиёд темир йўл линиялари электрлаштирилди. Айни пайтда янги Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўли ва тоғли ҳудудлар орқали ўтадиган 19 километрдан зиёд узунликдаги тоннель қурилиши ниҳоясига етказилмоқда.

Саккизинчидан. Аҳоли бандлигини таъминлаш, биринчи навбатда, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш ижтимоий-иқтисодий тараққиётимизнинг энг муҳим устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Аввалambор, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначилик ва хизмат кўрсатиш соҳасини, айниқса, қишлоқ жойларда янада ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш дастурларини амалга ошириш, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини кенгайтириш ҳисобидан кейинги пайтда Ўзбекистонда ҳар йили қарийб 1 миллионта иш ўрни яратилмоқда. Шунинг 60 фоиздан кўпроғи қишлоқ жойларда ташкил этилаётгани айниқса аҳамиятлидир.

Тўққизинчидан. Аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини янада изчил ошириб бориш масаласи ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз давлат бюджетининг 59-60 фоизга яқини ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда. Фақат ўтган йилнинг ўзида иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар ҳажми 23,2 фоиз, реал даромадлар 10,2 фоизга кўпайди.

Аҳоли даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромадлар улуши тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда ушбу кўрсаткич мустақил тараққиётимизнинг дастлабки йилларидаги 10,6 фоиздан 52 фоизга ошганини таъкидлаш лозим.

Халқаро меъёрларга кўра, 10 баробар қилиб белгиланган энг кўп ва энг кам даромад оладиган аҳоли ўртасидаги фарқ юртимизда 2000 йилдаги 53,3 баробардан бугунги кунда 7,8 баробарга тушди. **Бошқача айтганда, жамиятимизнинг ўта бойлар ва ўта камбағалларга бўлиниб, кескин табақаланиб кетишига йўл қўймасдан, бу борада ижтимоий барқарорлик мезони деб тан олинган даражага эришдик.**

Ҳозирги кунда Ўзбекистондаги ҳар иккинчи оила юртимизда ишлаб чиқарилган шахсий автомобилга эга. Деярли ҳар бир оилада кундалик заруратга айланган мобиль телефон, ноутбук, сунъий йўлдош орқали кўрсатадиган ва кабелли телевидение, музлатиш камералари ва замонавий ошхона анжомлари каби янги, юқори технологияларга асосланган жиҳозлар мавжуд.

Мамлакатимизда уй-жой билан таъминланиш даражаси, жон бошига ҳисобланганда, 12,4 квадрат метрдан 15,4 квадрат метрга ошди. Уй-жой фондининг деярли ҳаммаси хусусий мулк шаклига ўтказилди.

Аҳолининг тўлов қобилияти ва истеъмол талабининг ортиб бораётгани иш ҳақи ва пенсияларнинг истеъмол нархлари ўсишига нисбатан жадал ошишини таъминламоқда.

Ўнинчидан. Биз барча давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлашни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз, деб биламиз. Энг муҳими, ҳеч қандай ҳарбий блокка қўшилмаймиз, Ўзбекистон ҳудудида чет эл ҳарбий базаларининг жойлашувига, ҳарбий хизматчиларимизнинг мамлакатимиз ташқарисида бўлишига йўл қўймаслигимиз зарур, деб ҳисоблаймиз.

Узоқ ва яқин атрофимизда вужудга келаётган бугунги мураккаб вазиятда айнан шундай йўлни, шундай сиёсатни биз учун энг тўғри ва энг маъқул деб биламиз.

Жамиятимизда тинчлик ва барқарорликни, миллатлар ва фуқароларо тотувликни, бағрикенглик ва ўзаро ҳурмат муҳитини янада мустаҳкамлаш бизнинг устувор вазифамиз бўлиб қолади.

«Юксак маънавият — енгилмас куч» деган ҳаётий ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда бой тарихимиз, бебаҳо меросимизни асраб-авайлаш, атрофлича ўрганиш ва тадқиқ этиш, биз қандай буюк зотларнинг авлоди эканимизни чуқур англаб, аждодларимизнинг шонли анъаналарини давом эттириш, ёшларимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик руҳида тарбиялаш барчамиз учун долзарб вазифа бўлиб қолади.

Ишончим комилки, фақатгина халқимизнинг мардлиги ва матонати, жонкуярлиги ва қатъияти, энг муҳими, келажагимизни қуришда ўз кучига, эртанги кунга бўлган юксак ишончи олдимизга қўйган мақсадларга эришишнинг мустаҳкам пойдеворидир.

Мана шундай олижаноб, бағрикенг халқимизга фарзандлик меҳри ва садоқати билан, фидойилик билан хизмат қилиш — барчамиз учун энг юксак шараф, олий саодатдир.



Навқирон тераклар борлиқдаги ўзгаришларга лол қолаётгандек майин бош силкийди. Митти офтобчалар — момақаймоқлар жилмайиб юз очади. Мажнунтолларнинг хивичлари умид билан барг чиқаради. Тиниқиб ухлаган куртаклар кўз очиб, юз чаяди абри найсонга. Офтобнинг заррин нурлари қўзигулларга заъфарон ранг беради. Борлиқ уйғонди. Яшариш, янгиланиш фасли бошланди.

Наврўз — 2015

БАҲОРИНГ МУБОРАК БЎЛСИН, ДИЛБАР ВАТАНИМ!

Тоғ ёнбағирларида қиш уйқусидан уйғонгиси келмаётган қор эринибгина атроф сокинлигини бузиб, тинимсиз шовуллаётган сой сувига қўшилади. Бўғотларда бойчечак бўй кўрсатади.

Рутубатли ҳавонинг заҳрини писанд қилмагандек юракларидаги кўр юзларига кўпчиган йигитларнинг одимлари шаҳдам... Илиқ кунларни кутиб сабри чидамаган, бир-бирини қўлтиқлаганча сирли қадам ташлаётган қизлар эгнидаги нафис либосларнинг енгил тебраниши баҳордан дарак.

Баҳор нафақат табиат, балки қалбларга ҳам ажиб эврилиш олиб киради. Қиш қаҳратонида бир оз хира тортган руҳимиз баҳор насимларида эркаланиб яйрайди. Дарахт новдаларига тириклик суви югургани мисол кўзларимизга нур, қалбларимизга сурур, билакларимизга куч, юракларимизга муҳаббат инади. Айнан баҳор фаслида табиатнинг бир бўлаги эканимизни яна англай бошлаймиз.

Адирларда қуёшнинг қайноқ тафтини соғинган майсалар гиламдек ястаниб ётибди. Ер кўкда уйғониш, янгиланиш, яшариш. Ҳамалнинг майин, эркаловчи ифоридан қалблар энтикади. Мудроқ туйғулар ўрнини ажиб жўшқинлик эгаллайди. Осмон варраклар ва болалар қийқириғига тўлади, қизлар кафтида эзилган ўсмалар камон қошларда қайта жонланади...

Баҳор биз интиқ ва интизор кутган, кўнгилларга шодмонлик, қалбларга сурур, юракларга ҳузур бағишловчи ардоқли байрамимиз Наврўздан илк мужда келтиради. Наврўз туғилиш, янги кун демак.

Эй юзуна боғи насимида ҳавойи Наврўз,
Лаъл тожинг бўлуб ул боғда бўстон афрўз.

Алишер Навоий Наврўзнинг фазилатини, ҳавосининг жонбахшлигини, ушбу айёмда киши руҳининг енгил тортиб, парвозланишини ана шундай тасвирлайди. Бошқа байтда шоир Наврўзни қутлуғ шодиёна кун сифатида тилга олади. Бундай талқин севгида садоқат ва вафо кўрсатган маъшуқа шаънига энг эзгу истаклар билдирилаётган ошиқ тилидан битилган мисраларда равшан юзага чиққан. Ошиқ вафодор ёрнинг ҳар бир туни, орзу-умидлар ушаладиган, мушкулини осон қилиб, мурод-мақсадига етказадиган қутлуғ қадр кечаси, ҳар бир ёруғ кунининг ҳаётбахш Наврўз бўлишини хоҳлайди:

Зулфу рухсор ила коминга мени еткурсанг,
Ҳар тунунг қадр ўлубон ҳар кунинг бўлсун Наврўз!

Абу Райҳон Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида Наврўзни шундай таърифлайди: «Наврўз... қуёшнинг саратон буржига кириш пайтига тўғри келар эди. Сўнгра у орқага сурилгач, баҳорда келадиган бўлди. Энди бутун йил унга хизмат қиладиган бир вақтда, яъни, баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунича, дарахтлар гуллашидан мевалари етилгунича, ҳайвонларда то насл вужудга келгунича ва ўсимлик униб бошлашидан такомиллашгунича давом этадиган вақтда келади. Шунинг учун Наврўз оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган». Улуғ аллома неча юз йиллик тарихга эга қадимги аждодларимиз ўтмишини тадқиқ қилганида битган бу сатрларни. Мана, неча асрлар ўтса ҳамки, Наврўзнинг моҳияти, мазмуни ўзгармади – аҳамияти, қадр-қиммати ўша-ўша.

Ҳадемай, бир дунё орзулар билан эртани кутиб, келажакка ишониб, тўю-томошалар қилиш, фарзандлар камоли, Ватан тараққиётига ҳисса қўшиш ниятида яшаётган халқимиз Наврўзга пешвоз чиқади. Наврўзда шу юрт фарзанди эканимиздан, халқимизга хос миллий қадрият ва анъаналар нечоғли теран ва сермазмун, маданиятимиз нақадар бой эканидан ғурур-ифтихорга тўламиз. Дориломон кунларга етганимиз учун шукроналик ҳисси тошади кўнгилларда.

Наврўз – зулмат ва нур тенглашган, қоронғу хотиралар чекиниб, ёруғ умидлар узайган кун. Шарқона табиатимиз, урф-одат ва анъаналаримизнинг ажралмас бўлаги, энг қадимий ва энг севимли байрамимиз.

Наврўз – ўзининг маъно-мазмуни ва фалсафаси билан ҳаётимизга жо бўлган яшариш ва янгиланиш палласи, шарқона янги йилнинг дебочаси. Ушбу айёмни халқимиз ҳар йили кўтаринки руҳда, катта шодиёна билан нишонлайди.

...Олис-олис қишлоғу овулларда жарчи овози янграб, барчани сумалак сайлига чорлайди. Ёш-яланг, қиз-жувон боғ-роғларга, қир-адирларга ошиқади. Эл бир жойга тўпланади.

Ерга намат, пўстак тўшалади. Дастурхон сумалак, кўк сомса, чучвара, дўлма каби ноз-неъматлар билан тўлади. Онахонлар атрофига толдан жамалак тақкан қизлар, чаккаларига бойчечак қадаган келинлар, қийиқча боғлаган болалар тўпланади. Чанқовузнинг оҳанги тингач, шеър, лапар, мақол, топишмоқ айтишувлар қизийди. Чилдирманинг шўх овози дилларга хушнудлик улашади. Рақсга тушганлар ўртага олиниб, давра ясалади.

Отахонлар қур солганча елка қоқиб, тикилиб-тикилиб сўзлашади. Яна бир баҳор билан юзлашганига шукрона келтириб, юрт ободлиги, халқ фаровонлигидан сўз очади. Пойгакда савоб ишга жонсарак сор йигитлар уларнинг имосига муштоқ турадилар.

Наврўз халқимизнинг одамийлик, саховат, меҳр-мурувват, ҳиммат каби юксак инсоний фазилатлари янада кенг намоён бўладиган қутлуғ айёмдир. Ушбу байрам баҳона маҳаллаларда ёлғиз кексалар, ногиронлар ҳолидан хабар олиниб, уларга баҳорий таомлар улашилади. Илиқ сўзлар билан кўнгиллари кўтарилиб, дуоси олинади. Ҳашар йўли билан уй юмушлари бажарилади. Бу анъана аждодларимиз асрлар давомида қандай буюк умуминсоний ғоялардан баҳраманд бўлиб, маънавий камол топганининг яна бир тасдиғидир.

Сумалак сайлида ҳам ёши улуғ инсонлар тажрибасига таянилади, уларнинг маслаҳати олинади. Ерга ўчоқ қазилиб, қозон осилади. Ёшлардан бири чой қайнатса, бошқаси ўтин ёради. Ўтин ёриш бўй қизларнинг нигоҳларини туйган бўз йигитлар учун мусобақа шаштини олади.

Қир бағрида катта давра қурилиб, кураш бошланади. Баковуллар ғолиб учун тикилган зотларни баралла айтиб, полвонларни гиламга чорлайди. Енг шимарган мард йигитлар зот эмас, ор талашади...

Бир ёнда «Келин кўрди» маросими қизийди. Кайвони онахонлар янги оила қурган ёш келинларни йиғилганларга бирма-бир таништиради. Кўзлари чақнаган қизалоқлар уларга ҳавас билан тикилади. Эгнига атлас кўйлак, бошига зар дўппи кийган келинлар таъзим қилганида чор-атрофдан «Бахтли бўлинг», «Ували-жували бўлинг», «Қўша қаринг», деган овозлар янграйди.

Болалар «Оқ теракми, кўк терак?» ўйинига шўнғийди. Кун ва тун, қиш ва баҳор тўқнашуви ҳақида қадим тасаввурларни ўзида мужассам этган бу ўйин болалар иродасини тоблаб, уларни ўз мақсади йўлида ҳар қандай тўсиқни енгиб ўтишга, эзгулик учун курашиб яшашга ундайди.

Элда аждодлар анъаналарига ҳурмат, ҳалол ризқ ва маъмурлик рамзига айланган сумалак дастурхонга тортилади. Унга кексаю ёш «Омонлик, омонлик, ҳеч кўрмайлик ёмонлик, янаги шу кунларга ўйнаб-кулиб етайлик!», дея қўл чўзади. Бу йил ҳам ушбу айёмга етганига, яқинлари, дўсту ёри ёнида эканига, мана шундай кўклам неъматидан баҳраманд бўлганига шукрона айтади. Келаси йилги дориломон кунларга бағри бутунликда, соғ-омонликда етишни тилаб, юртга тинчлик, хотиржамлик, ҳамжиҳатлик сўраб дуога қўл очади.

Наврўз нафақат табиатга ошуфталик айёми, балки ризқ-рўз байрами ҳамдир. Азалдан бободеҳқонлар «Ҳамал кирди – амал кирди», дея Наврўз кунидан эътиборан кўкламги юмушларга киришган. Ерга дон сепиб, ниҳол экишган. Ариқ-зовурларни тозалаб, боғ-роғларга шакл берган. Куз хирмони баҳордан бошланишини чуқур англашган.

Демак, баҳор – эзгулик айёми, яқинларимизга меҳр-оқибат улашиш, дастурхонимиз тўкин-сочинлиги учун ҳаракат қилиш, бунёдкорлик, ободончилик ишларини амалга ошириш фурсатидир. Юртимизга ташриф буюрган янгиланиш, яшариш фасли барчамизга қутлуғ бўлсин!

Дилшод КАРИМОВ

Бандлик дастури — амалда

БИТИРУВЧИЛАР ЯРМАРКАСИ

Мамлакатимизда олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш борасида олиб борилаётган изчил ишлар жараёнида таълим масканларида ташкил қилинаётган «Битирувчилар ярмаркалари» муҳим аҳамият касб этаётир.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида 2014-2015 ўқув йили битирувчиларини ишга тақсимлаш мақсадида иш берувчилар иштирокида ташкил этилган ярмаркада турли идора ва ташкилотлар, таълим муассасалари вакиллари, профессор-ўқитувчилар ва талаба-ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетини ҳар йили 9 бакалавриат таълим йўналиши ва 10 магистратура мутахассислиги бўйича бир ярим мингдан зиёд йигит-қиз тамомлайди. Бугунги кунда улар мамлакатимизнинг нуфузли таълим муассасалари, турли давлат ва нодавлат ташкилотларида ўз йўналишлари бўйича самарали фаолият юритмоқда.

Ярмаркада иш берувчилар таклифи асосида уларнинг битирувчилар билан бевосита суҳбати ва шартномаларни расмийлаштириш ишлари олиб борилди. Битирувчилар ўз мутахассислиги ва қизиқиши бўйича турли ташкилот ва таълим муассасалари билан шартнома имзолади.

– Ўтган ўқув йилида университетимизни 1594 йигит-қиз тамомлаган бўлса, шундан 1390 нафарининг бандлиги таъминланган, – дейди ЎзА мухбирига университет маркетинг хизмати бўлими раҳбари Сайёра Отахонова. – Мазкур ярмаркада 1540 нафар битирувчи қатнашиб, шундан 1078 нафари иш берувчи ташкилотлар билан шартнома расмийлаштирди.

Н.НАСРИЕВ



Тошкент давлат юридик университетида «Зулфия – буюк маънавий жасорат соҳибаси» мавзуида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

АРДОҚЛИ ШОИРА ИЖОДИГА БАҒИШЛАНДИ

«Маънавият соати» тадбирлари доирасида ташкил этилган ушбу тадбирда шоиралардан Қутлибека Раҳимбоева ҳамда Муҳтарама Улуғова, университетнинг профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари иштирок этишди.

Зулфияхонимнинг ўзбек халқининг севимли шоираси, таниқли жамоат арбоби сифатида бутун дунёга машҳурлиги барчамизга маълум. Маърифий тадбир Зулфия ҳаёти ва ижодига мустақиллик йилларида берилаётган эътиборни ўзида акс эттирган видеолавҳа намойиши билан бошланди.

Тадбирда сўзга чиққан Тошкент давлат юридик университети ректори Е.Каньязов ва бошқалар Ўзбекистон мустақилликка эришган кундан бошлаб, миллий маънавиятимизга юксак эътибор берила бошлангани, Зулфияхоним — атоқли шоира, жамоат арбоби сифатида жамоат ишларида фаоллик кўрсатгани, ўзбек шеъриятида ўзига хос ўрин қолдирганини таъкидлашди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира, «Саодат» журналининг масъул котиби Қутлибека Раҳимбоеванинг «Зулфия – буюк маънавий жасорат соҳибаси», Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира, «Мовароуннаҳр» нашриёти бўлим муҳаррири Муҳтарама Улуғованинг «Зулфия ижоди мустақиллик йилларида» бўйича фикр-мулоҳазалари тингланди.

— Дарҳақиқат, истеъдодли шоир, драматург, олим ва жамоат арбоби Ҳамид Олимжон ҳамда Зулфияхонимнинг ижоди, уларнинг ибратли ҳаёти ҳар биримизнинг, айниқса, биз, ёшларнинг йўлимизни ёритиб, эзгу ишларга руҳлантираверади, — дейди Тошкент давлат юридик университетининг Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Отабек Бабаджанов. — Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан университетимиз томонидан кўплаб тадбирлар ташкил этилди. Жумладан, талабалар турар жойида Маънавият ва маърифат маркази «Тил ўргатиш маркази» кафедраси билан ҳамкорликда «Зулфия – буюк маънавий жасорат соҳибаси» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. «Маънавият куни» тадбирлари доирасида 1-3-курс талабаларининг Зулфияхоним монументига ташрифи ташкил этилди. Шундай буюк инсонларга нисбатан ҳурмат ва эътибор кўрсатиш, уларнинг ижодини янада дунёга танитиш йўлида барчамиз ўз ҳиссамизни қўшишимиз катта аҳамиятга эга.

Тадбир давомида Тошкент давлат юридик университет талабалари ижросида Зулфиянинг «Мушоира» асаридан намуналар, Ҳамид Олимжон ва Зулфия образида шеърий чиқишлари ҳамда иқтидорли талаба-қизлар 1-курс талабалари Дилнавоз Очилова ва Муниса Усмонова ижодидан намуналар йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди.

Зиёда РАСУЛОВА

Тадбирлар

ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Сергели туманидаги 6-мактабда туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ташаббуси билан уюштирилган тадбирда таълим сифати ҳамда педагоглар малакасини ошириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбирда ҳозирги глобаллашув ва техника асрида ёшларга таълим беришда замонавий педагогик технологиялардан, интерфаол усуллардан фойдаланилган ҳолда дарс ўтилиши зарур эканлиги яна бир карра таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, бошланғич синфларга ҳамда мактабларнинг барча синфлари ўқувчиларига турли фанларни, хусусан, чет тилларни ўргатишда ўқитувчиларнинг мультимедиа воситаларидан фойдаланишлари мақсадга мувофиқ бўлиши қатнашчилар томонидан тавсия этилди. Эътиборлиси, барча фанлар, хусусан чет тиллари бўйича энг сўнгги дарсликлар, янгиликлар ҳақида педагогларга маълумот берилди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, тез, самарали ва аниқ йўналтирилган бирламчи тиббий-профилактика ёрдами ҳар бир инсон, айниқса, она ва бола саломатлигини асрашда муҳим омил ҳисобланади.

АЁЛ СОҒЛОМ БЎЛСА — ЖАМИЯТ БАРҚАРОР

Аёлга ва ўсиб келаётган ёш авлод камолотига эътибор жамиятимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг муҳим йўналишига айланди. Аёлларни тиббий-ижтимоий, ҳуқуқий жиҳатдан муҳофазалаш, уларнинг оилада, жамиятда мавқеини юксалтириш, оналик ва болаликни ҳимоялаш, репродуктив саломатликни асраш, тиббий ёрдамни замонавийлаштириш борасида амалга оширилаётган узлуксиз чора-тадбирлар инсон манфаатларини муҳофазалашда муҳим омил бўлаётир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2014 йил 1 августдаги «2014 — 2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори бу йўналишдаги ишларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда уч мингдан кўпроқ қишлоқ врачлик пункти ва оилавий поликлиникада аҳолига бирламчи тиббий-профилактика ёрдами кўрсатилмоқда. Ушбу тиббиёт муассасаларида қарийб саккиз ярим минг нафар оила шифокори ва ўн етти минг нафардан зиёд патронаж ҳамшира оналик ва болаликни муҳофазалаш, халқимизнинг саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида фаол иш олиб бораётир.

Бирламчи тиббий-профилактика муассасаларида аҳоли, жумладан, фертиль ёшдаги аёллар, болалар ва ўсмирларнинг саломатлигини янада яхшилаш ва касалликларнинг олдини олиш мақсадида ҳар ойда анъанавий тарзда чуқурлаштирилган тиббий кўриклар ўтказилмоқда. 2014 йилда «Соғлом она – соғлом бола» лойиҳаси доирасида ташкил этилган ана шундай тадбирларга 13 миллион 600 минг нафардан кўпроқ аёл ва бола қамраб олинди ва касаллиги аниқланганлар тегишли тартибда соғломлаштирилди.

– Бугунги тиббиёт тараққий этган замонамизда ҳам аёл саломатлигига таҳдид туғдираётган бир қатор муаммолар борки, буларни ҳал этиш бутун жамиятнинг доимий диққат-эътибори ва ҳамкорлигини талаб этади, – дейди Мирзо Улуғбек тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиги ўринбосари Нурия Ҳасанова. – Бу жараёнда эрта турмуш ва туғруқ, исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш, туғруқлар орасидаги оралиқни сақлаш, экстрагенитал касалликларни барвақт аниқлаб, самарали даволаш муҳим вазифадир.

Бу вазифаларни ўз вақтида амалга ошириш мақсадида бирламчи тиббиёт муассасалари, туман тиббиёт бирлашмалари ва барча шифохоналарда оналик ва болаликни асраш бўйича махсус штаблар фаолият юритмоқда. Ушбу штабларда шифокорлар ва мутахассисларнинг доимий навбатчилиги йўлга қўйилган. Бу йўналишда ҳар бир тиббиёт муассасасида кундалик амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилиб, аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш, оналар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий-профилактика ёрдамини янада такомиллаштириш истиқболлари белгиланади.

Бўлажак оналарга тез ва самарали тиббий ёрдам кўрсатишда тиббий-патронаж хизматининг ўрни яққол намоён бўлади. Хонадонларга тез-тез ташриф буюрадиган оила шифокори ва патронаж ҳамшира оила аъзоларининг руҳий ҳолатини, саломатлигини синчиклаб кузатади. Репродуктив саломатликка салбий таъсир этадиган омилларни барвақт аниқлашга алоҳида эътибор қаратилади. Бўлажак онанинг жисмоний ва руҳий ҳолати кўрикдан ўтказилиб, унга зарур тиббий тавсиялар берилади ва оилавий поликлиникадаги тор мутахассислар кўригига таклиф этилади.

Бирламчи тиббий-профилактика тизимида ҳомиладорларга тиббий ёрдам кўрсатишда оила шифокори, патронаж ҳамшира ва тиббиётнинг ўндан кўпроқ йўналишлари бўйича мутахассислар ҳамкорлиги йўлга қўйилган. Аёл ушбу мутахассисларнинг доимий кузатувида бўлади. Ҳар ойда бир марта мутахассислар кўригидан ўтказилади. Оилавий поликлиникаларда она ва бола саломатлигини асраш мақсадида бехатар оналик лойиҳаси амалга оширилади. «Ёш оналар» мактаби ташкил этилган. Унда ўтказиладиган машғулотларни оила шифокори олиб боради.

Бирламчи тиббий-профилактика ёрдамини аҳолига янада яқинлаштириш, репродуктив саломатликни муҳофазалаш мақсадида маҳаллаларда давлат, нодавлат ташкилотлари, тиббиёт муассасалари ҳамкорлигида саломатлик секторлари фаолият юритмоқда. Оилавий поликлиникада ҳафтанинг ҳар бир кунида аҳолининг бирор аниқ қатламини қамраб олишга йўналтирилган тиббий тарғибот тадбирлари ташкил этилади.

– Аҳолига замонавий усулда тиббий-профилактика ёрдами кўрсатишда оилавий поликлиникалар фаолияти муҳим омил бўлаётир, – дейди ЎзА мухбирига Мирзо Улуғбек туманидаги 7-оилавий поликлиника бош шифокори Феруза Мўминова. – Тиббиёт муассасамиз 47 мингдан кўпроқ аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Туғиш ёшидаги аёллар мунтазам тиббий кўрикка жалб этилиб, экстрагенитал касаллик аниқланса, ўз вақтида соғломлаштириш тадбирлари амалга оширилади. Оила шифокори, патронаж ҳамшира ва тиббиётнинг ўнга яқин йўналиши бўйича мутахассислар ҳамкорлиги бу жараёнда муҳим аҳамият касб этаётир.

2014 — 2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастурининг қабул қилиниши юртимизда бу борада амалга оширилаётган эзгу ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

Дастурда аҳолининг барча қатлами, жумладан, оналар, болалар ва ўсмирларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифати ва самарадорлигини янада ошириш, соғлиқни сақлаш тизимининг барча бўғинларида, хусусан, бирламчи тиббий-профилактика муассасаларида оналик ва болаликни муҳофазалаш борасида фаолият юритаётган шифокорлар ва ҳамшираларнинг билим ва тажрибасини янада бойитиш, репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш борасида давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини янада кенгайтириш, бу борадаги фаолиятни мувофиқлаштириш ва мониторингини йўлга қўйиш каби устувор вазифалар белгиланган.

Мазкур Давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида барча тиббиёт муассасаларида тармоқ дастурлар, ҳамкорлик лойиҳалари, чора-тадбирлар режалари ишлаб чиқилиб, шу асосда иш олиб борилмоқда.

Баҳор ХИДИРОВА

Учинчи босқич: викторина давом этади!

«СИЗ ТОШКЕНТНИ БИЛАСИЗМИ?»



Мустақил Ўзбекистонимиз танлаган ўз тараққиёт йўлидан дадил одимлаб, юксак марраларни эгалламоқда. Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби, пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилди ва изчил давом эттирилмоқда. Барпо этилаётган маданий-маъмурий иншоотлар, турар жойлар, йўллар ва кўприклар, хиёбонлар, фавворалар, қайта таъмирланиб, янгича ҳусну тароват касб этган қадимий обидалар, қадамжолар гўзал ва бетакрор шаҳримиз кўркига кўрк қўшмоқда.

Пойтахтимиз жамолини кундан кунга очаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларининг катта ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятини, кенг кўламли ўзгариш ва янгиланишлар энг буюк неъмат — Мустақиллик берган имкониятларнинг амалдаги самараси эканини, ватанпарварлик она юртни ўрганишдан бошланишини инобатга олиб, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Тошкент оқшоми» – «Вечерний Ташкент» газеталари таҳририяти **«Сиз Тошкентни биласизми?»** викторинасини ўтказмоқда.

Викторинада барча газетхонлар, пойтахт аҳолиси ва меҳмонлар ёши ва маълумотидан қатъий назар, иштирок этишлари мумкин.

Газеталаримизда викторина саволлари эълон қилинади. Кўрсатилган манзилга энг аввал етган тўғри жавоб ғолиб саналади.

Ҳар ўнта саволдан кейин энг кўп тўғри жавоб йўллаган ғолиб аниқланади.

Ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширилади.

Викторинанинг мутлақ ғолиби Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида аниқланади.

Викторина жавоблари **«Тошкент оқшоми» – «Вечерний Ташкент»** газеталари таҳририятига ёки **gazeta-vto@umail.uz, info@tashkent.uz** электрон манзилларига йўлланиши лозим.

Мурожаат учун телефонлар: 233-29-33, 233-29-55, 233-45-84.

Савол:

Тошкент шаҳри қачон «Мустақиллик» ордени билан мукофотланган?

Тадбирлар

БУЮК ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИ

Ёшларнинг интеллектуал билимларни ўзлаштиришга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш «Камолот» ЁИҲ фаолиятининг устувор йўналиши ҳисобланади.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Олмазор туман Кенгаши ҳамда Тошкент банк коллежининг «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилоти томонидан ташкил этилган «Камолот» саволномаси» тадбирида ҳам шу ҳақда сўз борди.

— Ҳаракат иқтидорли ёшларни янада рағбатлантириш, болаларнинг санъат ва маданият соҳаларидаги ижодий истеъдоди ва қобилиятларини эрта кашф қилиш ва ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган саъй-ҳаракатларни тўлиқ қўллаб-қувватлаб келаётганини таъкидлаш жоиз, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Олмазор туман Кенгаши раиси Диляра Мелдебекова. — Буни «Камолот» ЁИҲ туман Кенгаши томонидан иқтидорли ўқувчи-ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, истеъдод ва қобилиятларини юзага чиқаришга қаратилган ташаббус ва бир қатор лойиҳаларни амалга ошириб келаётганида ҳам кўриш мумкин.

Тадбир давомида коллежнинг бошланғич ташкилот аъзолари давлатимиз томонидан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаркатига катта эътибор қаратилаётганлиги, ёшларга кўплаб имкониятлар яратилаётганлиги, «Камолот»нинг устувор вазифалари ҳақида йиғилганларга сўзлаб беришди. Ундан сўнг «Камолот» ЁИҲнинг фаолияти тўғрисидаги видеолавҳа намойиш этилди. Иштирокчилар ўртасида ўтказилган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва унинг фаолияти ҳақидаги савол-жавоблар, блиц-анкета уларда катта қизиқиш уйғотди.

Ўзаро мулоқот тарзида ўтган тадбир сўнгида коллеж бошланғич ташкилотининг келгусидаги иш фаолияти билан таништирилди.

ҲАШАР — ЁШЛАРГА ЯРАШАР

Халқимизнинг тарихи минг йилликларга бориб тақалувчи қадимий қадриятларидан бири, бу — ҳашардир. Аждодларимиз бу анъанани доимо улуғлаган. Мамлакатимиз истиқлолга эришгач ҳар йили байрамларимиз арафасида умумхалқ ҳашарлари уюшқоқлик билан ташкил этилмоқда.

Яшариш фасли бўлмиш баҳорда ён-атрофни ободонлаштиришга катта эътибор қаратилади. «Камолот» ЁИҲ Мирзо Улуғбек туман Кенгаши Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилоти билан ҳамкорликда «Ҳашар — ёшларга ярашар» шиори остида тумандаги «Яланғоч 2» зиёратгоҳида ободонлаштириш ишларини амалга оширишди.

* * *

Бу каби хайрли иш «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Юнусобод туман Кенгаши Тошкент Молия институти бошланғич ташкилоти томонидан ҳам амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қарашли Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионатида ҳашар ўтказилди.

Ҳашарда 40 га яқин ёшлар иштирок этишди. Ҳамжиҳатликда олиб борилган ишдан мазкур маскандаги кексаларнинг диллари шод бўлди.

Зарина РУСТАМОВА

ГЎЗАЛЛИК ВА НАФОСАТ ФЕСТИВАЛИ

Пойтахтимиздаги Бадиий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захиралари спорт мактабида Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди кубоги учун «Нафосат олами» IV спорт фестивали бошланди.

Тадбир «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди томонидан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди:

Фестивалнинг очилишида мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор улғайиб келаётган авлодни жисмонан соғлом, маънан етук инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Бу каби ишлар самарасида спорт билан мунтазам шуғулланаётган ёшлар сафи тобора кенгаймоқда. Жумладан, қизлар ҳам турли спорт тўгаракларида фаол иштирок этаётир. Спортни доимий ҳамроҳига айлантирган ёшларнинг саломатлик кўрсаткичи яхшиланиб, дунёқараши кенгаймоқда, таълим, спорт ва бошқа соҳаларда юқори натижаларга эришмоқда.

«Нафосат олами» спорт фестивалидан кўзланган мақсад ёшларни, айниқса, қизларни оммавий спортга кенг жалб этиш орқали саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмонан чиниқтириш, мустақил ҳаётга тайёрлаш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, жисмоний тарбия ва спортни янада кенг оммалаштиришдан иборат. Фестивалда икки юз эллик нафар қиз синхрон сузиш, сузиш, сувга сакраш, бадиий ва спорт гимнастикаси, спорт рақси турлари бўйича ўзаро куч синашмоқда.

Мусобақанинг биринчи кунида бадиий гимнастика бўйича Самира Аҳмедова, Ясмина Раҳимова, Наталья Усова, Доменика Дамирова, Ксения Морозова, Кристина Пак шоҳсупага кўтарилган бўлса, спорт гимнастикачиларидан Фарзона Холбоева, Наима Нигматонова, Омина Саидумарова, Роксана Шарипова, Дилдора Арипова, Александра Шевченко ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой эгаллади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Ж.ТОШХЎЖАЕВ

2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

НУРОНИЙЛАР ДУОСИНИ ОЛИБ

Учқур «Афросиёб» поезди кўҳна Самарқандга етиб келди. Нуронийлар чарчоқ билмай, хушкайфиятда олис йўлни шунча оз фурсатда босиб ўтишганига ҳайратланиб, шаҳардаги ёдгорликлар, табаррук масканларни мириқиб зиёрат қилдилар. Файзли дастурхон атрофида ўтириб, юртга тинчлик ва омонлик, қут-барака, оилаларга фаровонлик ва хотиржамлик тилаб дуога қўл очдилар.

Тошкент шаҳрининг Яккасарой туманидаги «Ўрикзор» маҳалла фуқаролар йиғинида ёши улуғ фуқаролар, уруш ва меҳнат фахрийлари, табаррук отахон ва онахонлар учун юртимизнинг қадимий шаҳарлари, маданият ва санъат масканлари, қадимий зиёратгоҳлар, умри асрларга тенг бўлган меъморий обидаларга саёҳатлар ташкил этиш яхши анъанага айланган.

– Истиқлол йилларида барча жабҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар инсон омилига устувор аҳамият қаратиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашдек улуғвор мақсадларга хизмат қилмоқда, – дейди маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Мунира Усмонова. – Бу жиҳатлар ёши улуғ инсонларни эъзозлаш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга оид эзгу саъй-ҳаракатларда ҳам ўзининг ифодасини топмоқда. Кексаларни қадрлаш, уларга ҳар жиҳатдан мадад кўрсатиш, бой ҳаётий тажрибасидан ёшлар тарбиясида кенг фойдаланиш маҳалламиз фаолиятида ҳам устувор аҳамият касб этади.

Маҳалла фаоллари, ҳиммати баланд ҳомийларнинг кўмаги билан ҳудуддаги мўъжазгина «Оталар чойхонаси»даги идишлар, мебель жиҳозлари янгиланди. Шахмат-шашка, радиотехника воситаси келтирилди. Бир қатор даврий нашрларга обуна бўлинди.

Маҳалланинг ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссияси эҳтиёжманд оилалар, ёлғиз кексалар, уруш ва меҳнат фахрийларига моддий ва маънавий кўмак кўрсатишдек масъулиятли юмушни холис ва адолатли тарзда ҳал этишга интилади. Пенсия, нафақа ва турли ижтимоий тўловларнинг ўз вақтида берилишини таъминлашда улар бош-қош. Оғир хасталикка чалинган Шавкат ота Содиқов, тўшакка михланиб қолган Мирмансур ота Мирраҳимовга саховатпеша маҳалладошлар кўмаги билан коммунал тўловларни ўз вақтида тўлаш учун яқиндан кўмаклашилди. Марям ая Умарованинг шифохонада даволаниши учун ёрдам кўрсатилди. Боқувчисини йўқотган кексалар, табаррук ёшдаги инсонлар ҳолидан доимий хабар олишда, уй юмушларига ёрдамлашиш, таъмирлашда маҳаллада фаолият кўрсатаётган «Ораста ёшлар» тўгараги аъзолари – шу маҳалланинг ўғил-қизлари яхши дастёр.

– Кексаларнинг ҳолидан доимий хабар олиш, суҳбатидан баҳраманд бўлиш ўқувчиларда бағрикенглик, миллий анъана ва қадриятларимизга, катталарга ҳурмат каби туйғуларни шакллантиришда катта аҳамиятга эга, – дейди маҳалла ҳудудидаги 73-умумтаълим мактаби директори Лутфия опа Саидова. – Ўқувчиларимиз кўча ва хиёбонларни саранжом-саришта сақлашда, ёши улуғ, ёлғиз кексаларнинг уй юмушларини бажаришда, улар учун нон, дори-дармон, сут каби кундалик маҳсулотларни дўкон ва дорихоналардан харид қилишда беминнат кўмакдош.

Отахон ва онахонларни тиббий кўрикдан ўтказишда 57-оилавий поликлиника жамоаси муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бош шифокор Муяссар Сулаймонованинг таъкидлашича, бундай мунтазам кўриклар нуронийларнинг қон босими, юрак-қон томир, асаб тизими, таянч-ҳаракат аъзолари хасталикларининг олдини олишда асосий омил бўлмоқда. 15 нафар қарияни йилнинг улар учун қулай пайтида «Чортоқ», «Нуроний» каби сиҳатгоҳларда соғломлаштириш режалаштирилган.

– Тинч ва осойишта ҳаёт, ижтимоий барқарорлик, миллатлар ва диний конфессиялар ўртасидаги тотувлик, ўзаро бағрикенглик, меҳр-оқибат муҳити энг катта бойлик эканини ёшу қари дилдан англайди, – дейди ЎзА мухбирига шу маҳаллада истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси Пётр Тудецкий. – Биз учун Ватан, ягона ва аҳил оила бўлган Ўзбекистонда узоқни кўзлаб амалга оширилаётган одилона ижтимоий сиёсат тинчликни мустаҳкамлаш, мамлакатнинг ҳар бир оиласи фаровонлигини таъминлаш, табаррук ёшдаги инсонларнинг ҳурматини жойига қўйишдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда. Бу йўналишдаги ишларнинг бари биз – кексаларнинг соғлиғига соғлиқ, умрига умр қўшмоқда.

Кексаларга эҳтиром кўрсатиш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, кўнглини кўтариш, дуосини олиш каби бундай чоратадбирлар маънавият, эзгулик, ибратли қадриятлар бешиги бўлмиш ҳар бир маҳаллада изчил давом этмоқда.

Назокат УСМОНОВА

Мусобақалар

ТУМАН БОСҚИЧИ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларни спортнинг шахмат турига кенг жалб қилиш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Миробод тумани Кенгаши, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг туман бўлимлари томонидан «Камолот» шахмат тахтаси» республика турнирининг туман босқичи ўтказилди.

Умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасидаги туман босқичи 44-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ўтказилиб, унда 170 нафар ўқувчи-ёшлар иштирок этишди. Мусобақалар давомида иштирокчилар 6-8, 9-11, 12-14, 15-16 ёш тоифалари бўйича ўзаро беллашдилар. Ўрта махсус таълим муассасалари ўқувчилари ўртасидаги мусобақа тумандаги Тошкент архитектура қурилиш касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтди.

Мазкур турнир ҳар йили анъанавий тарзда мамлакатимизда шахматни янада кенгроқ тарғиб қилиш ва оммавийлаштириш, ҳаваскор ва ёш шахматчиларнинг спорт малакаларини ошириш, ўқувчиларни ўқишдан бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга кўмаклашиш ҳамда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ва маданий спорт алоқаларини йўлга қўйиш мақсадида ташкил этиб келинмоқда.

— Юртимизда болаларни ҳимоя қилиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди, — дейди «Камолот» ЁИҲ Миробод тумани Кенгашининг бош мутахассиси, «Камалак» болалар ташкилоти раиси Шаҳзод Нормуродов. — Оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, миллий қадрият ва урф-одатларни ёш авлод онгига сингдиришда муҳим омил бўлмоқда. Шунингдек, болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, қизиқишлари бўйича тўғри йўналтириш, спортга жалб қилиш каби масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ушбу турнирнинг саралаш босқичларида 965 нафар ёшлар қамраб олинди, турнирнинг туман босқичида 243 нафар ёшлар иштирок этишди. Ғолиблар ташкилотчилар томонидан диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

(Ўз мухбиримиз)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер олувчилар диққатига!

Фуқаролар ўзининг шахсий мулкида бўлган кўп қаватли уйлардаги хонадонларини туман ҳокимликлари ихтиёрига топшириш эвазига Тошкент шаҳрининг Олмазор, Яшнобод, Сергели, Мирзо Улуғбек, Бектемир туманларида якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари олишлари мумкин.

Мурожаат учун телефон: (+99895) 193-03-13

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **5 март** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 3-5, кундузи — 15-17 даража илиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **5 мартда** Тошкент шаҳрининг обҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-1228

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 355

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 13591 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 13.30

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ